

Рўза: қазо тутиш лозим бўладиган ҳолатлар | Фикҳ дарслари (340-дарс)



19:00 / 07.08.2025 1196

Хато туфайли, мажбурланиш оқибатида, кечаси деб гумон қилиб еб-ичганда, қорнига ёки димоғига терисининг тешикларидан бошқа тарафдан дори етганда, майда тошни ютганда, оғзи тўлиб қусганда фақат қазосини тутади.

Биров рўзани ният қилиб, уни очиш қасди бўлмай туриб, хато оқибатида оғзини очиб юборса, рўзасини қазо қилиб тутиши вожиб бўлади.

Бошқа бир тарафнинг мажбурлаши ёки алдови сабабли оғзини очиб юборган рўзадорга ҳам қазосини тутиш вожиб бўлади.

Бир одам «Ҳали саҳарликнинг вақти чиққани йўқ», деган гумон билан еб-ичишни давом эттира бориб қараса, вақт чиқиб кетганлиги аён бўлса, рўзанинг қазосини тутиб беради. Шунингдек, ифтор вақти бўлди, деган гумон билан оғзини очиб юборса-ю, кейин вақт кирмагани маълум бўлса ҳам қазосини тутади.

Ҳанафий мазҳабида бу масалага доир барча далил ва ҳужжатлар батафсил ўрганиб чиқилганидан кейин қуйидаги нарсалар алоҳида зикр қилинган.

Рўзани бузадиган ва фақат қазо тутишни вожиб қилиб, каффоратни вожиб қилмайдиган нарсалар:

1. Физомас ва ғизо маъносида бўлмаган нарсани тановул қилиш. Бунда одатда ғизо саналмайдиган ва инсон таъби ейишга мойил бўлмайдиган нарсалар кўзда тутилган. Мисол учун, рўзадорнинг хом гуруч, пишмаган хамир, бирор нарса аралаштирилмаган ун каби нарсаларни ейиши.
2. Бирданига кўп тузни еб юборса ҳам рўзаси очилиб, унинг қазосини тутиб беради.
3. Пишмаган мевани еса ҳам.
4. Тишлари орасида қолган нўхатдан катта нарсани еса.
5. Данак, пахта, қоғоз, тери еса ҳам.
6. Тош, темир парчаси, тупроқ, тангага ўхшаш нарсаларни ютиб юборса ҳам.
7. Ўз амали билан ичига тутун киргизса ҳам.
8. Орқасидан, бурнидан, томоғидан ва аёл кишининг олдидан ичига сув ёки дори киритилса ҳам.
9. Қулоғига мой томизса ҳам. Сув томизса, очилмайди.
10. Аёл кишининг олд аъзосидан қатра томизилса ҳам рўзасини қазо қилиб тутиши лозим бўлади. Эркак кишининг олд аъзосидан қатра томизилганда бу гап йўқ.
11. Қасддан оғзи тўлиб қусса ҳам қазо тутати. Агар оғзи тўлмай ёки рўзалиги эсидан чиқиб, ёки беихтиёр қусган, ёхуд таом эмас, балғам қусган бўлса, рўзаси очилмайди.
12. Физо (озуқа) ва дори-дармонни беморлик, сафар, мажбурлаш, хато, бепарволик ёки шубҳа каби шаръий узрлар ила тановул қилса, қазосини тутиб беради.
13. Оғизни чайиш пайтида хато қилиб сув ичига кетиб қолса, рўзаси очилади ва қазо тутати.
14. Бошидаги ёки қорнидаги жароҳатга дори қўйганда ичига ёки димоғига кетиб қолса ҳам.
15. Биров ухлаб ётган одамнинг қорнига сув киритиб юборса ҳам.

16. Аёл киши хизматга ярамай қоламан деб таом еса ҳам.

17. Биров аввал эсида йўқ ҳолда таом еган ёки жинсий яқинлик қилган бўлса, рўзаси очилмайди. Аммо ҳукми билмай, бўлар иш бўлди, деб кейин яна таом еса ёки жинсий яқинлик қилса, қазо рўза тутиб бериши лозим бўлади.

18. Биров кечаси рўза тутишни ният қилмади. Кундузи ният қилди. Кейин «Бу ниятим тўғри бўлмаса керак», деган шубҳа билан таом еса, рўзаси очилади ва қазо тутиши вожиб бўлади.

19. Биров «Ҳали тонг отмаган бўлса керак», деб еб-ичди ёки жинсий яқинлик қилди. Кейин билса, тонг отиб бўлган экан. Рўзасининг қазосини тутлади.

20. Биров «Қуёш ботган бўлса керак», деб еб-ичди ёки жинсий яқинлик қилди. Кейин билса, қуёш ботмаган экан. Рўзасининг қазосини тутлади.

21. Биров таом еб ёки жинсий яқинлик қилиб турганида тонг отиб қолди. Дарҳол қилаётган ишини тўхтатса, рўзаси тўғри бўлаверади.

22. Шаҳватини тўлиқ бўлмаган ҳолда қондирса ҳам фақат қазо тутлади.

23. Қучоқлаш, ўпиш ва шунга ўхшаш ишлар туфайли манийси тўкилса, қазо тутлади.

24. Ухлаб ётган аёлга жинсий яқинлик қилинса, ўша аёл ҳам қазо тутлади.

25. Аёл киши фаржига мой ёки шунга ўхшаш нарсаларни томизса ҳам.

26. Рўзадор шахс орқасига сув ёки мой билан ҳўлланган бармоғини киритса ҳам.

27. Рўзадор шахс орқасига пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса ҳам.

28. Аёл киши ички фаржига сув ёки мой билан ҳўлланган бармоғини ёки пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса ҳам.

29. Рамазон рўзасидан бошқа рўзаларни очган бўлса, фақат қазо тутиш вожиб бўлади. Каффорат вожиб бўлмайди.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.